



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 85 (9.123)

1998 йил

22 июль, чоршанба

Сотувда эркин нархда



Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

- Улуғ байрам шарафига
- «Файз» ёрлиғи қўйилган маҳсулотлар
- Юртимиз доғруғини таратганлар

Мустақиллигимизнинг етти йиллигини пойтахтимиздаги «Файз» очик турдаги хиссдорлик жамияти жамоаси ўзига хос руҳда қўтиб олишга интиломда. Айниқса, ушбу йилда бу корхонанинг холдинг компанияга айлантирилганлиги, у ерда меҳнат қилаётганларнинг янги-янги меҳнат ютуқлари сари интилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

«Файз» корхонасининг мебеллари доғруғи нафақат республикамиз, балки қўшни Қозғистон, Қирғизистон, ҳамда бир қатор хорижий давлатлар харидорларига ҳам етган. Бугунги кунда холдинг компания таркибиде 10 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, шулардан 6 таси хорижий шериклар билан ташкил этилган қўшма корхоналардир. Уларнинг барчасиде сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар давом этмокда.

— Сифатли биринчи ўринга қўйиб, рақобатбардош, импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни, шу билан бирга уларнинг нархини ҳам адолатли белгилашни асосий вазифаларимиздан деб биламиз, — дейди холдинг компания бошқаруви раиси Мукаррам Азимова. — Бизде ҳар бир ишчи ўз ишининг сифатини ўзи назорат қилади ва ишлаб чиқарилган мебелнинг харидор эътирозига сабаб бўлмаслигига эришади. Чунки сифатсиз маҳсулот ишимизга моддий томондан зарар келтиришини барча хиссдорлар яхши англаб етган.

Холдинг компания Оила йилиде 1 миллиард сўмлик «буортмалар пакети»га эга. Йилнинг ўтган олти ойиде эса 456 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Ишлаб чиқариш ҳажми бултурги йилнинг шу даврига нисбатан 104 фоизни ташкил этди. Ярим йилликде 25.669 минг сўм соф фойда олинди.

Бундай муваффақиятларга янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, цехларни юсак унумли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-

лаш, ана шу техникаларде ишлаб оладиган малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш эвазига эришилаётгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга маркетинг хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам ютуқларга муносиб

кийимлари билан таъминланади. Оила йилиде ишчи-хизматчилар болаларининг соғлигини тиклаш ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун 247 минг сўм маблағ ажратилди. Буларнинг барчаси ишчиларнинг мулкка муносабати ўзга-

суръати ва сифати ортади. Шу билан бирга мутахассислар ҳам замонавий техника талабларига жавоб бериши кераклигини ҳисобга олиб, уларни ўқитиш учун иқтисод ва ҳуқуқ курслари ташкил этилмокда.

Бу йил корхонанинг елимлаш цехига Словениянинг «Явар» янги линияси ўрнатилди. Бу ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан бирга, сифатни яхшилашга ҳам шароит яратди. Яқинда ташкил этилган «Файз Импект Ферниче» қўшма корхонасиде юмшоқ мебелларга ўрнатиладиган тўшак қопламалари ишлаб чиқарилмокда. Бу эса мебелсозлар ишини янаде ривожлантиришга, турли-туман юмшоқ мебеллар ишлаб чиқаришга ёрдам бўлмокда.

«Файз»чилар шартнома мажбуриятларини аниқ ва пухта бажариш билан бирга янги маҳсулотлар яратиш йўлиде ҳам изланмокдалар. Хонадонларимизни беэаётган ва жаҳон андозаларига тўла жавоб бераётган мебеллар уларнинг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига муносиб тухфалари бўлиши, шубҳасиз. Хориждан доимий ҳамкор ва харидорга эга бўлишга интилаётган бу мебелсозларнинг шу кунлардаги нияти жаҳон бозоридан муносиб ўрин олиш, экспорт ҳажмини йил сайин ошира боришдир.

Шоира ИСАЕВА.

СУРАТЛАРДА: «Файз Импект Ферниче» қўшма корхонаси ирчисси Гулчехра Шарипова ўз ишини сидқидилдан бажариб келмокда; республикамизде тайёрланаётган ошхона термаларининг 63 фоизи холдинг компанияде ишлаб чиқарилади; шундай кўркем юмшоқ мебеллар хонадонингизга фойз киритади.

Рустам Шарипов олган сураатлар.

Жаҳон андозалари даражасиде




омил бўлмокда. Албатта, бозорни нафақат мамлакатимизде, балки жаҳон миқёсиде чуқур ўрганиш, шу асосде маҳсулот турларини ўзлаштириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этмокда.

Холдинг компанияде 2000 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, кўнгилли ҳордиқ олишларини ташкил этишга ҳам алоҳиде аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Тошкент денгизиде корхонанинг алоҳиде дам олиш зонаси мавжуд бўлиб, у ерде теннис корти, биллиардхона қурилиб, дам олувчилар ихтиёрига топширилди. Ишчиларга махсус маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, медицина пунктлари хизмат кўрсатади. Ишчилар махсус иш

риб, ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошаётганлигидандир.

Бугунга келиб корхонаде 8 турдаги ошхона мебеллари, кўплаб номдаги ётоқхона термалари, юмшоқ мебелларнинг хилма-хили ишлаб чиқарилиб, харидорларга тақдим этилмокда. Европа банки томонидан корхона учун ажратилган 1,5 миллион АҚШ долларни микдориде кредит технологияни янгилашга сарфланди. Шунингдек, корхонанинг 25 фоиз акциясини сотиб олган Жаҳон банки ҳам холдинг компания учун 1 миллион 900 минг АҚШ долларни микдориде кредит ажратмокда. Ушбу кредит хисобига корхонани техник жиҳозлашининг иккинчи босқичи амалга оширилади. Бу билан албатта ишлаб чиқариш



Маҳалла спартакнадаси

Яшил майдонларде ва гипамларде

Ўтган шанба куни шахримизнинг иккита спорт майдониде Тошкент маҳаллалари аҳолиси ўрта-сидеги еттинчи спартакнадаси доирасиде биринчи тур бўйича футбол беллашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувлар Агрегат заводи стадиониде (бу ерде Шайхонтоҳур, Юнусов, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманлари вакиллари беллашдилар) ва пойтахт транспорт институтининг (бу ерде Сергели, Ҳамза, Миробод, Яхкасарой ва Чилонзор туманларининг футболчилари беллашдилар.

Афсуски, биринчи тур ўйинлариде номзатлар сабабларга кўра Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманларининг командалари келмади. Ана шу боисдан уларга 3:0 ҳисобиде мағлубият ёзилди. Биринчи турнинг қолган ўйинлари етарли савияде ўтди. Командалар майдонга ҳам рухий, ҳам жисмоний жиҳатдан тараддул кўрган ҳолде тушдилар. Бу мулоҳазамиз факатгина Собир Раҳимов командасига тааллуқли эмас. Чунки Собир Раҳимовликлар Акмал Икромовликларга йирик ҳисобде — 6:1 ҳисобиде ютқазиб қўйдилар. Қолган учрашувлар фут-

болга хос ҳисоблар билан якунланди. Жумладан, шайхонтоҳурликлар юнусовликларни 2:0 ҳисобиде ютдилар, мирободликлар яхкасаройликлардан 0:1 ҳисобиде мағлубиятга учрадилар, ҳамзаликлар эса сергелиликлар устидан 1:0 ҳисобиде ғолиб чиқдилар.

Шу куни жисмоний тарбия институтиде спартакнаде доирасиде курашчиларнинг ҳам учрашувлари бўлиб ўтди. Спортнинг ана шу туриде Мирзо Улуғбек тумани курашчилари галаба нашидасини суриб биринчи ўринни кўлга киритдилар. Улардан кейин Миробод тумани вакиллари, учинчи ўринни эса пойтахтнинг Шайхонтоҳур тумани курашчилари эгалладилар.

(Ўз мухбиримиз).

Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари

Курашчиларимиз намуна бўлишди

Москваде биринчи марта ўтказилган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари якунланди. Тантанали очилиш маросими қаби мусобақанинг ёпилиши ҳам ўзига хос байрамга айланиб кетди.

Ушбу ўйинларде дуненинг 139 мамлакатидан келган ўсмирлар спортнинг 15 тури бўйича муқофотлар учун курашдилар. Ўзбекистондан борган ҳамюртларимиз эса спортнинг 11 тури бўйича ўзаро баҳсларде қатнашиб, ҳаммага ҳам насиб этмайдиган медалларни кўлга кирит-

ган мамлакатлар қаторидан муносиб жой олишди. Бу ерде шунинг айтиш керакки, ана шундай шарафга бор-йўғи 50 мамлакат мушарраф бўлди!

Ўсмирлар ўйинлариде эркин кураш бўйича вакилларимиз ҳаммадан ҳам яхши қатнашдилар. Финалде Жанубий корейлик Хам Чол Ким билан курашга тушган Дилшод Мансуров ўз вази тоифасиде чемпионликка эришиб, олтин медал соҳиб бўлди. Жаҳонгир Абдурахмоновга кумуш насиб этди. Замшид Саидов, Хуришд Холдоров, Асамаз Жодиевлар эса бронза медалига муассар бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз.)

Юнон-рум кураши бўйича беллашган Савриддин Наврозов ва Денис Здориковлар яна икки медалга — кумуш ва бронза медалига муассар бўлдилар.

Жанубий корейлик спортчи Ли Йе Мин билан финал беллашувида курашган бизнинг дуюдимиз Руслан Эргашев кумуш медалга сазовор бўлди. Теннисчиларимиздан Ирода Тўлаганова ва Луиза Биктявалар бронза медалига эришдилар. Стол тенниси беллашувларида Манзура Иноятова ва Саида Бурхонхужаевалар ҳам бронза медали соҳиблари бўлдилар.

Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари ўзбекистонлик спортчилар учун унутилмас воқеаларга ва таассуротларга бой бўлди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жами 246 минг гектар майдонде дон етиштирган қашқадарёлик галлакорлар зафар маррасига етдилар. Улар 317 минг тоннадан зиёд дон топириб, давлат режасини бажардилар. Вилоят галлакорлари давлатга яна 10 минг тонна дон етказиб беришга аҳд қилдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясиде бўлиб ўтган ҳудудий назорат инспекцияларининг раҳбарлари иштирокидаги йиғилишде ҳудудий назорат инспекцияларининг Президент Фармонлари ҳамда ҳуқуқат қарорлари бажарилишининг назоратини таъминлаш бўйича шу йил биринчи ярмиде амалга оширилган ишлари муҳокама этилди.

• Тошкентдеги «Оникс» хиссдорлик жамияти цехлари конвейерларидан газ ҳисоблагичлари чиқа бошлади. Янги маҳсулотларни келгуси ойдан бошлаб савдога чиқариш мўлжалланмокда.

• «Ўлистон» шаҳриде «Коском» Ўзбекистон — АҚШ уяли алоқа қўшма корхонасининг янги тармоғи ишлаб бошлади.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлариде интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қошиде тузилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ҳарбий қисмларде бўлиб, учрашувлар ўтказиш, аскарларнинг турмуш шароити, у ердаги таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишиш интизомни янаде мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очиб берганлигини таъкидладилар.

• Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманиде мрамар ва гранитни қазиб олиш ва ишлов бериш бўйича Ўзбекистон—Россия—Италия қўшма корхонаси ишга тушди. Қўшма корхона ишлаб чиқараётган турфа рангде товланувчи мрамарларга талаб катта.

• Ёзининг айнаи шундай иссиқ кезлариде «Андижон—Прага» қўшма корхонаси савдо тармоқларига шиша идишларде «Зарафшон» ва «Шердор» пиволарини етказиб бера бошлади. Ўтган йили ташкил этилган ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари тобора ошиб бормокда.

• Самарқанд вилояти педагоглар жамияти ва «Амероз индастриз» қўшма корхонаси филиали ўзаро ҳамкорликде кўргазма ташкил этди. Унда мактаб ўқувчилари кийимлари намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

• Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий таширф билан Буюк Британияга борди. Унинг Бош вазир Т. Блэр билан учрашуви нихоясиде икки мамлакат ўртасиде дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда ушбу мамлакатнинг йирик нефть компаниялари билан Каспий конларидан биргаликде фойдаланиш бўйича кўп миллиардлик шартномалар имзоланди.

• Бугун АҚШ вице-президенти А. Горринг Украинага таширф бошладилар. У Президент Л. Кучма билан учрашади.

• Исроил мудофаа вазири келгуси йил учун мамлакат ҳарбий бюджетини 8 фоизга оширишни талаб қилди.

• Истефого кетган Р. Хасимото ўрнига Япония либерал демократик партияси етакчилиги номини эгаллаш учун ушбу номзод кураш олиб бормокда. Кимде ким партиянинг раиси этиб сайланса, у мамлакат Бош вазири бўлади.



ПОЙТАҲТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

• Тель-Авивде кўп ойлик танаффусдан кейин яна Исроил-Фаластин музокаралари бошладилар.

• Арманистон Президенти Р. Кочаряннинг президентлик лавозимини бажара бошлаганига юз кун тўлди.

• Нью-Йоркде бўлиб ўтган Халқаро валюта фонди директорлар кенгашиде Россияга моддий ёрдамнинг биринчи қисмининг — 4,8 миллиард доллар ажратишга қарор қилинди. Бу илгари ваъда қилингандан 800 миллион доллар камдир. Халқаро валюта фондининг бу қарорига сабаб шуки, Россия Думаси ҳукуматнинг тангликка қарши қаратилган дастурини қўллаб-қувватловчи қонунлар қабул қилмаётганлигидандир.

• Алматыде БМТ шафелигиде «Марказий Осиё 2020 йилга» шиори остида халқаро конференция бўлиб ўтмокда.

• Нигериянинг янги ҳарбий раҳбари генерал Абдулсалоом Абубакр ҳокимиятини фуқаролик ҳукуматига келгуси йилнинг майиде топириш муддатини белгилади.

• Швейцария ҳукумати собиқ бош вазир Б. Бхутто ва унинг эрининг коррупцияде айбланганлик мазмунидеги ҳужжатларни Покистонга топширди.

• Париждаги кимошди савдосиде яқинда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг ярим финал ўйиниде Франция ва Хорватия терма командалари билан учрашувидаги футбол тўпи 250 минг франкка (салкам 40 минг долларга) сотилди.

ОБУНА — ЙИЛ БУЙИ

Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшомига» ёзилингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олинсингиз мумкин. Демак, «Оқшом»ни шу йилнинг сентябрь ойидан олиш иштиёқиде бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 августга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шунинг ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент



«Оқшом» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган микдорде чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

Абонент қутисига	Ҳафтасига	Ҳафтасига
• 1 ойга — 129 сўм	• 1 ойга — 168 сўм	• 1 ойга — 168 сўм
• 3 ойга — 387 сўм	• 3 ойга — 504 сўм	• 3 ойга — 504 сўм

НАШР ИНДЕКСИ — 209.

— Телевидениеда хурматли Президентимиз Имом Каримовнинг тарихчилар ҳамда республика Фанлар академияси раҳбарлари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар билан ўтказган суҳбатларини кўриб, мириқиб эшитиб жуда ҳаяжонландим, шу билан бирга хурсанд бўлдим. Ҳаяжоним шундан эдики, мамлакатимизда кўпдан-кўп олимларимиз бўлгани ҳолда тарих фани оқсаб келиб, Ватанимиз тарихи мустақиллик даврига ҳос ва мос ҳолда акс этган бирорта муҳим, қийин китоб йўқ эди. Йўлбошимиз жамоатчилик фикрини ана шу муҳим, ўзақ масалага қаратган эдилар. Хурсандлигимиз эса,

йўқ қилинди». Тўғри, баъзи асарлар қаттагон эдилар. Аммо муаллиф айтгандай ёппасига йўқ қилинмади-ку? Ўз халқи меросини кўз қорачигидай асраган фидойи инсонлар туфайли кўп кўлэмалар сақланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва алоҳида тузилган комиссиялар томонидан эски алифбодаги китоб ва кўлэмалар йиғиб борилган. Ўша кезларда газеталарда эски кўлэмалар сотиб олинади деган эълонларга тез-тез кўзимиз тушарди. Жонқуяр олимларимиз шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб кўлэмаларни сотиб олганли-

— Болалигимдан ўзбек халқ эртакларини жуда севиб ўқиганман. Айниқса, кўпчилик эртакларнинг қаҳрамонлари — хунар эгаллаган йигитларга ҳаммаша омад ёр бўлган. Ана шунда хунар ўрганишга астойдил интилан йигитларга ҳавасим келарди. Айниқса, ота-боболаримизнинг хунармандчилик билан шуғулланганлигини, дадам ҳам оталаридан сандикчилик касбини ўрганганлигини эшитганимда бизнинг аждодимиз ҳам хунарманд ўтганларидан фахрланиб кўярдим. Уйимиздаги устонада тахта ва болгаларнинг тарақ-туруқи бир зум тинмасди. Мактабдан келиб кўчмакка шошиллардик. Ҳаммамизга бўлиб берилган ишларни ўзимизча бажариб, сўнгга дадамизнинг ишини кузатардик. Кўчага чиқиб болалар билан бироз ўйнагим келарди-ю лекин устонада сандик яшаш яна ҳам завқли эди-да. Ана ўша завқмани ёшим улгайган сайин ўзимга қаттиқ боғладим. Ҳақиқий меҳримни қозонди, — дея ҳикоя қилди, пойтахтимизнинг энг яхши хунарманди, «Ташаббус — 97» курик-танловининг ғолиби, миннатори устаси, моҳир сандикчи Убайдулла Қосимов.

Чинданам инсон болалигидан бирон нарсага меҳр қўйса, унга ота-она, ён-атрофдагилар ёрдам берса, бу меҳр ҳақиқий тилакка, ниятга айланиши кўпчилик яхши билади. Убайдулла нафақат сандик ясашга қизиқди, балки ана шундай чироили сандикларнинг эскизларини ҳам яратишга интилди. Унинг чизган расмлари отасига маъқул келганда қалби бир олам гурурга тўлиб кетарди. Отанинг нияти эса тилига кўчарди: «Мана, мен ота касбини эгаллаб кам бўлмадим, айниқса халқнинг қорига ярашман. Унинг устига уйимиздан яхши ниятли, толгани тўйга буюрадиган одамлар оёғи узилмайдилар. Уларнинг миннатдорчилиги эса ғайратимга ғайрат қўшади. Қани энди сизлар ҳам касбини эгаллаб, эл меҳрини қозонсангизлар», — орзу қиларди ота.

Ҳақиқатан ҳам отанинг оқ

ниятлари фарзандларининг йўлини ёритди. 5 ўғилдан уч нафари хунармандчиликка меҳр боғладилар. Акиси Абдулла, укаси Асатулла ҳам ота касбини мушаша омад ёр бўлган. Ана шунда хунар ўрганишга астойдил интилан йигитларга ҳавасим келарди. Айниқса, ота-боболаримизнинг хунармандчилик билан шуғулланганлигини, дадам ҳам оталаридан сандикчилик касбини ўрганганлигини эшитганимда бизнинг аждодимиз ҳам хунарманд ўтганларидан фахрланиб кўярдим. Уйимиздаги устонада тахта ва болгаларнинг тарақ-туруқи бир зум тинмасди. Мактабдан келиб кўчмакка шошиллардик. Ҳаммамизга бўлиб берилган ишларни ўзимизча бажариб, сўнгга дадамизнинг ишини кузатардик. Кўчага чиқиб болалар билан бироз ўйнагим келарди-ю лекин устонада сандик яшаш яна ҳам завқли эди-да. Ана ўша завқмани ёшим улгайган сайин ўзимга қаттиқ боғладим. Ҳақиқий меҳримни қозонди, — дея ҳикоя қилди, пойтахтимизнинг энг яхши хунарманди, «Ташаббус — 97» курик-танловининг ғолиби, миннатори устаси, моҳир сандикчи Убайдулла Қосимов.

Унинг бошқа сандикчилардан фарқи шундаки, у ўзи яратган

ҳар бир маҳсулотини санъат асарига даражасига кўтаришга интилади, ишга ижодий томондан ёндашади. Убайдулла кўрғазмалар ва музейлар учун ягона нусхада эскиз яратди ва шу асосда ишлайди. Албатта, унинг тайёр ишларини кузатар экансиз, машаққатли меҳнатнинг медаларига қиёс этасиз. Чунки у сандикларни нафақат нафис бе-

ёрлик билан мукофотланган бўлса, Венгрияда «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этган кўрғазмада қатнашиб, катта эътиборга сазовор бўлди.

Убайдулланинг ясаган сандикларига, айниқса Араб давлатларида қизиқшга жуда катта. Баҳрайнда унинг ишларига катта қизиқиш уйғонган, шу сабабли

Тадбиркорлик

САНДИҚЧИ САНЪАТИ

май ўргатишмоқда.

Убайдулла сандик ясаши билан бирга ўз назарий билимларини ҳам мустаҳкамлашга интилади. 1977-1981 йилларда у Низомиёв номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг расм-чизмачилик факультетига тахсил олди. 1990 йилдан бошлаб ўзи мустақил ишлай бошлади.

Унинг бошқа сандикчилардан фарқи шундаки, у ўзи яратган

заклар, балки қалб меҳри билан безашга ҳаракат қилади.

Убайдулла Қосимов яратган рангтасвир асарларию сандикларини нафақат республикамиз музей ва кўрғазмаларида учратасиз, балки улар чет эл давлатларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. 1995 йилда ЮНЕСКО ҳомийлигида Халқлар дўстлиги майдонида ўтказилган хунармандчилик ярмаркасида унинг ишлари юқори баҳоланиб, фахрий

жуда кўплаб буюртмалар берилмоқда. Марказий Осиё давлатларида ўтказилаётган ҳар бир хунармандлар кўрғазмасида тошкентлик сандикчининг ҳам маҳсулотлари кўйилди.

— Ҳукуматимиз биз хунармандларга жуда катта эътибор билан қарамокда, — дейди Убайдулла Қосимов мамну оҳангда. — Хунармандларнинг 5 йилгача солиқдан озод этилиши, тез-тез кўрғазмалар ҳамда курик-танловларнинг ўтказилиши, хусусий устоналар очилиши яқиндан кўмак берилаётгани бизни самарали ижод қилишга, баракали меҳнат уютуқларига эришишга ундайди.

Убайдулла Қосимов бир неча йиллардан буён «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказида фаолият кўрсатиб келади. У ўз хунарини ўғиллари Раҳман ва Рустамга ўргатади, шогирдлари сафи эса тобора ўсиб бормокда.

— Шогирдларимга ҳам ўз хунаримнинг барча сир-асрорларини ўргатишга интиланман, — дейди у. — Халқимизда «Бола бошидан» деган доно гап бор. Ҳар бир шогирднинг баҳарлаётган ишида, қўл ҳаракатию ишга қадалган нигоҳларидан унинг хунарга қай даражада меҳри борлигини пайқаб оламиз. Ниятим пойтахтимизда ўзига хос устона очиб, шогирдларим, фарзандларим билан ишласам, сандикчиликни ҳақиқий санъат даражасига кўтарсам.

Уста яратган сандикларни бадий кенгаш аъзолари баҳолайди, уларнинг оқилона маслаҳатлари эса Убайдуллага мадад бўлади, янгилик яратишга ундайди. Шунинг учун бўлса керак, хунарманднинг яратган, кўрғазма ва савдо расталарига қўйилган маҳсулотлари шахримизга келатган хорижлик меҳмонлар томонидан ҳам севиб харид қилинмоқда.

Убайдулланинг яна бир муваффақиятини таъкидлаб ўтиш айниқса жоиздир. 1997 йилнинг якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун тадбиркор ва хунармандларнинг «Ташаббус — 97» танлови ўтказилди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб «Энг яхши хунарманд» номини олган Убайдулла Қосимов «Тикон» энгил автомобил билан тақдирланди. Республика курик-танловига ҳам қатнашган бу ишбилармон йигит фахрли 2-ўринни эгаллаб, компьютер билан мукофотланди.

— Ўтказилган курик-танлов менда жуда катта таассурот қолдирди, — деди У. Қосимов фахр билан. — Қўлимга автомобиль қилини олар эканман, даров раҳматли дадамни эсладим. Уларнинг орзулари амалга ошганидан беҳад севиндим. Бундай танловлар катнашчиларни бир-бирига яқинлаштиради, билмаганларининг ўрганасан, ўз устингда тинмай изланасан. Бу хунар мени нафақат юртимга танитмоқда, балки хонадоним фаровонлигига ҳам замин бўлмоқда. Турмуш ўртоғим Лобархон ҳам янгиликларни яратишда менга ёрдамчи.

Оилалар ҳам бўлишиб, бир хонадонга тўпланишса, албатта уч ака-уканинг хунармандчилик ҳақидаги гаплари тугамайди. Чунки бу касб уларнинг қалб тўридан жой олган. Ака-ука сандикчилар Абдулла, Убайдулла ва Асатулла Оила йилида ўзгача куч-ғайрат билан бир-бирига устоз ҳамда шогирд бўлишиб, янги-янги маҳсулотлар етиштириш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Шарифа ИЛЕСОВА.
СУРАТДА: «Энг яхши хунарманд» Убайдулла Қосимов ўзи яратган сандикчалари билан.

Рустам Шарипов олган сурат.

МЕЗОН ҲАҚИҚАТ

Президентимиз давлатнинг муҳим масалалари қаторида халқ тарихининг ҳаққоний халқига ундаши, уни маданият ва маърифат, маънавият ривожининг қилиб деб билиб, тарихимизга бағишланган ҳаққоний, ҳолис китоб яратиш хусусида қўйиб-пишиб гапириши, унинг тараққииси хусусида билимдонлик билан, меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиши гуруру ва ифтихор туйғуларимизни, кувонч ҳисларимизни жўш урдирди.

Дарҳақиқат мустақиллигимизга етти йил бўлай деб қолсада, ҳалигача халқимиз тарихини пухта ва тўғри ёритган бирорта китоб яратилмас. Тарихимизга бағишланган китобнинг муҳимлиги шундаки, у фаннимизнинг барча соҳалари билан узвий боғланиб кетади. Қайси бир соҳани олганм у халқ тарихига бориб тақалади. Айниқса, бадий адабиёт тарихи халқнинг ўтмишдаги ҳаёти ва кураши билан чамбарчас уланади. Шу сабабдан ҳам кўп бадий асарларимизда фуқароларнинг ҳаёти теран, кенг ва чуқур ўз аксини топган.

Адабиёт тарихи халқ тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шу боисдан ҳам Президентимиз ўтказган суҳбат биз — адабиётшунос олимлар учун ҳам бир мактаб вазифини ўтайди. Биз ҳар биримиз ўзимиз учун сабоқ чиқариб, келгуси ишларимизда шу суҳбат моҳиятидан келиб чиқиб, миллий ўзбек адабиёти тарихини ҳаққоний, чуқур ёритиш лозим деган ҳулосага келдик. Бадий адабиётимизнинг энг узоқ томирларига етиб боришимиз лозимлигини, адабиёт халқ тарихига ўхшаш чуқур илдизларига эга эканлигини ва улар узоқ-узоқларга бориб тақалишининг туб моҳиятини очиб бериш талаб қилинаётганлигини чуқур англаб етдик. Халқ пайдо бўлиши билан адабиёти ҳам юзага келганлиги шубҳасиздир. Базан биз бу ҳақиқатни тўла назарга олмайдан, адабиёт тарихини яқин даврлар билан чеклаб қўямиз. Аслида эса озгача адабиёт асримиздан анча илгари яратилганлиги аниқ. Шу сабабдан ҳам адабиёт тарихини қайтадан ўрганиб, кенг ва ҳолисона тадқиқ этиш лозим.

Яқинда газеталаримиздан бирида бир мақолага кўзим тушиб қолди. Унда асос — муаммо қўйилган ва таҳлил қилинган. Улардан бири — республикада эски кўлэмаларнинг тақдири масаласи. Муаллиф шундай ёздади: «...эски алифбода битилган нимаки бўлса, у динийми, дунёвийми қатъи назар

гининг гувоҳи бўлганмиз. Шуларнинг жонбозликлари туфайли биргина Шарқшунослик институтида қирқ мингга яқин қимматбаҳо асарлар йиғилиб, кўз қорачигидай сақланмоқда. Улар олимларнинг илмий тадқиқот ишларига манба бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳтарам Президентимиз мазкур кўлэмалар ҳақида ифтихор билан гапирар экан, чет элдан келган меҳмонлар бу бойликларимиздан ҳайратга тушиб, лол қолганликларини таъкидлаб ўтди.

Яна бир ўйламай эълон қилинган масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Бу манкуртга муносабат. Матбуотимизда чоп этилган қўйидаги жумлага диққат қилайлик: «Улар (бошқарув аппаратида ишлаганлар) энди юқоридан бериладиган курсатмаларга муҳтож бўлади. Шу тарихи манкуртлар армияси юзага келади». Наҳотки, таъкидлий бошқарув ишларида хизмат қилган барча кадрларни манкуртларга чиқарсак.

Ваҳоланки, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам фидойилик билан ишлаган, жамиятнинг ривожига, халқнинг фаровон ҳаётига ўз ҳиссасини қўшган кишиларнинг ҳурмати юйига қўйсақ, савоб иш қилган бўламиз.

Яна бир муаммо диққатни тортади. У ҳам бўлса халқ тарихи билан тузумни алаштириб юборишдир. Тарихга оид айрим материаллар ва қўлланмаларда муаллифлар тузум оқибатларини, жирканч, ачинарли томонларига урғу қилиб, тузум таҳлилий асосий ўринни эгаллаб, халқ тарихи бир чеккада қолиб кетади ёки унга кераклигича ўрин ажратилмайди. Ахир, тарихни халқ яратди-ку! Шундай бўлгандан кейин меҳнатчилар оmmasини ҳаёт тарзи, кураши ва интилишлари тарихнинг асосини ташкил қилиши лозим.

Буларни айтишдан мақсадимиз яратилаётган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»га турли-туман ёлгон, хато, чалқаш фактлар, мисоллар, тасодиқий ва ўринсиз ҳодисалар кириб қолмаслигининг олдини олишдир. Йўлбошимиз тўғри қайд этганларидек, тарих тўла равишда ҳолисона, ҳаққоний чиқиши учун кўмаклашишдан иборат. Бизнингча шуларни амалга оширган тақдиримизда «Ўзбекистоннинг янги тарихи» мустақиллик давримизга ҳос ва муносиб соғва бўлади, умри узоқ бўлади.

Ҳафиз
АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари
доктори,
профессор.

Одамларни ишга жойлаш, янги касбга ўқитиш, ўз вақтида иш жойларини аттестациядан ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш, фуқароларни хориқга ишга юбориш ва янги меҳнат жойларини ташкил қилиш каби муҳим вазифалар меҳнат биржаси мутахассисларининг зиммасига юклатилган. Ҳозир биржамизда 20 дан зиёд мутахассислик бўйича 100 дан ортиқ киши меҳнат қилаёпти.

Биржамизга йил бошидан буён 1883 киши иш сўраб мурожаат этди. Шундан 700 нафарини иш билан таъминланди. 80 киши хунар эгаллашга юборилди. Доимий равишда корхона, ташкилотлар билан боғланиб, ишга кирган ходимлар ҳаётидан бохабар бўлиб турибмиз.

Баналлик

ЗИММАДАГИ МУҲИМ ЮМУШЛАР

Туманимизда истиқомат қилувчи 157 мингдан зиёд аҳолининг асосий қисми мавжуд корхона ва ташкилотларда меҳнат қилади, бир қисми эса шаҳарга бориб-ишлашади. Корхона ва ташкилотлар билан мунтазам алоқа ўрнатганимиз. Бу борада ходимларимиз кўлларида келган имкониятларни ишга солимоқдалар. Уларнинг фаолиги туфайли корхоналар меҳнат биржамизга ўз вақтида ҳисобот бериб, ўзларигаги бўш иш ўринларидан хабардор қилиб туришибди.

Берилган маълумотномалар ҳаммаси компьютерга киритилган. Ҳозирги кунда барча мутахассисликлар ва касблар бўйича 199 та корхонада 2216 та бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумот бор.

Меҳнат биржамиз нафақат аҳолини иш билан таъминлаш, балки жойларда янги иш ўринлари яратиш билан ҳам бевосита шуғулланади. Шу мақсадда корхона ва ташкилотларда ўқувчи-ёшлар учун мавсумбоп ишлар ташкил қилишга ҳаракат қиламиз. Ўзги таътил вақтида туман ҳокимининг фармойишига асосан 14 та корхонада 120 та иш ўрни ташкил қилинди. Айнан, мавсумий иш жойлари «Файз» ошхона мебеллари ишлаб чиқариш корхонаси, «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекрайфл» қўшма корхонаси, «Умарбек» кичик корхоналарида очилди.

Бўлимимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинди. Жумладан йилнинг шу даврларигача ижтимоий ҳимояга муҳтож, яъни биз ўқишга ёки ишга жойлаштира олмаган ҳолларда, фуқаролардан 154 нафарига ишсизлик мақоми берилиб, 138 кишига ишсизлик нафақаси тўланмоқда.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган айрим тоифадаги шахслар борки, булар ёлғиз оналар, кўп болали оналар, биринчи марта иш қидираётган ёшлар, ногиронлар, қашмоқ жазосини ўтаб қайтган шахслар, армия сафидан қайтган шахслар учун туман ҳокимининг фармойишига асосланиб корхоналарда шу тоифадаги шахсларга мос бўлган янги қўшимча иш жойлари ташкил қилдик. Шундай ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар, албатта меҳнат биржасига мурожаат қилсалар, ҳеч қийинчиликсиз, тўқсинлик сезмасдан ишга жойлаштишларига шароит яратиб берамиз.

Ҳозирги кунда йўқолиб бораётган халқ хунармандчилигини ривожлантириш борасида «Усто-шогирд» услубини қўлаб, халқ ўртасидаги қўли гул усталарга хунар ўрганишни хоҳловчи ёшларни бириктиряймиз. Шогирдликка олинган ёшларга стипендия бериш имкониятимиз бор. Айни вақтда 4 та устозда 12 нафар шогирд хунар ўрганаёпти.

Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ меҳнат биржаси таркибида яна 1 бўлим ишлаб турибди. Ўзингизга маълумки, 1997 йил январь ойидан бошлаб болаларга бериладиган нафақа пулларни тарқатиш маҳалла кўмиталари зиммасига юклатилди. 10 кишидан иборат бўлган янги шўбамиз туманимиздаги Эта маҳаллада тарғибот ишларини олиб бориб, нафақаларни тайинлаш, тарқатиш, ҳужжатларни қабул қилишни назорат қилишди. Инспекторларнинг ҳамда маҳалла оқсоқолларининг саъй-ҳаракати боис барча кўзланган мақсадга эришилди, нафақалар ўз эгаларига етказилди.

Шу давргача 16 ёшгача бўлган болали 32548 оиладан 5263 ариза тушган эди. Бу аризалар фуқаролар йиғилишида кўриб чиқилиб 4979 та аризачи нафақа олишга ҳақли деб топилди. Юқорида айтиб ўтилган биржамизнинг ишлари, халқимизнинг манфаатини кўзлаган ҳолдаги ижтимоий ҳимоя демакдир.

Дарҳақиқат, «Меҳнат қилган — элда азиз», деб бежиз айтишмаган. Шундай экан ҳар бир Ўзбекистон фуқароси фойдали меҳнат билан машғул бўлса, янги касб ўрганса, изланса, юртимиз, ҳаётимиз бундан ҳам гўзал, фаровон бўлади.

Васпия НИЯЗОВА,
Сергели тумани меҳнат биржаси
раҳбари,
Ойгул ТУРҒУНОВА.

Пойтахтимизда тадбиркорлик билан иш юритиб, ўзининг рақобатбардор маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўринни топаётган қўшма корхоналар сони тобора ортиб бормокда.

Ўзининг нафис ва кўркам маҳсулотлари билан кўпчиликнинг эътиборини қозongan «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ҳам ўзининг 10 йиллик фаолияти давомида катта эътиборга сазовор бўлди.

Италиянинг «Алмарозе» фирмаси билан ҳамкорликнинг самараси бўлган қўшма корхона йил сайин янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида изланмоқда. Бугунги кунга келиб корхонада 3500 дан ортиқ пластмассадан ясалган турли буюмлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, турли хил ёдгорликлар, уй-ўрғозор буюмлари, болалар ўйинчоқлари, дарахт ва гуллар, дала ҳовли учун жиҳозлар шулар сирасига қиради.

Маҳсулотнинг ҳаридориги бўлишида биринчи ўринга сифатини қўйсақда, — дейди етакчи муҳандис Мукаррам Нигматова, — унинг ташкил қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этишини биз асло ёддан чиқармаймиз. Бозорини, одамларнинг талаби ва дидини ўргана эканмиз, шу нарсга амин бўлдик. Маҳсулот турларини тез-тез ўзгартириб боришимиз ҳам бозорини яхши ўрганишимиздандир. Ана

шу туфайли ҳам буюртмаларимиз ва ҳамкорларимиз сафи кенгаймоқда. Қўшма корхонанинг булунга келиб 4 та шўба корхонаси ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда. «Совпластитал»

Саноат

КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИГАН БУЮМЛАР

ва «Сония» шўба корхонасида ишлаб чиқарилаётган чинни идишлар Италия технологияси асосида тайёрланмоқда.

— Чинни идишларимизнинг ўзига хослигида расом-дизайнерларимизнинг муҳим улушлари бор, — дейди расом-дизайнер Ольга Бородина. — Чунки чиннига турли тасвирлар тушириб, уларга жило бериш анчагина машаққатли иш саналади ва юксак маҳорат талаб этади. Биз харидорларни жалб этишда ҳиссамиз борлигидан мамнумимиз.

Яна бир шўба корхонаси «Совпластитал» ва «Табора»да Янги йил ва Рождество байрамлари учун турли безаклар ва арчалар тайёрланган. Шу-

нингдек, «Совпластитал МВМ» да тайёрланаётган аёллар тақинчоқлари, «Ташинвестпласт» шўба корхонасида ишлаб чиқарилаётган, ахлат ташиш учун контейнерлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортаётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Қўшма корхонанинг айни кунларда Тошкент ва Москва шаҳарларида 7 та дўкон, Гулистон ва Жиззахда савдо марказлари фаолият кўрсатаяпти. Маҳсулотларнинг маълум қисми эса Италия, Гонконг ва Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинмоқда. Жамоа аҳли ўз маҳсулотларини нафақат мамлакатимиз кўрғазмаларида, балки жаҳон миқёсидаги кўрғазмаларда ҳам кўз-кўз қилаётгани қувонарли ҳолдир, албатта. 1993—1997 йиллар давомида Мадрид ва Парижда ўтказилган кўрғазмаларда энг янги технология ва сифат учун корхона ишлари муносиб баҳолалиб, 1995 йилда Мадридда «Халқаро Олтин юлдуз», 1996 йилда Парижда «Сифат учун Европа олтин ёлғири» билан тақдирланганлиги ҳам корхона яхши ривожлантирилган, изланиш ва самара борлигидан дарак бериб турибди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида ҳам корхона тадбиркорлари ўзлари тайёрлаган янги ва сифатли маҳсулотлари билан пойтахт аҳлини ҳушнуд этиш тараддуида меҳнат қилишмоқда.

Шарофат
БАХРОМОВА.



Пойтахтимиздаги 159-трестнинг 70-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Юнусовод туманининг Хасанбой даҳасида қад ростилаётган 1256 ўринли мактаб қурилишининг жадал суръатларида олиб боришмоқда.
СУРАТДА: тажрибали қурувчи Шерзод Одилов ўз вазифасини маҳорат билан бажармоқда.
Рашид Галиев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан республикамиздаги олий ўқув юртлиги ўқитувчиларининг ҳоржии мамлакатларда малака оширишлари ташкил этилган «Устоз» жамғармаси ташкил этилган эди. Яқиндагина ана шу жамғарма орқали 40 нафар ўқитувчи Американинг кўзга кўринган нуфузли билим даргоҳларида бўлишиб, янги педагогик технология буйича ўз малакаларини ошириб қайтишди. Биз Американи олий ўқув юртлигида бўлиб, уларнинг ўқиш ва ўқитиш усуллари билан танишиб қайтган Тошкент Давлат педагогика университетининг бир гуруҳ ўқитувчилари билан суҳбатлашдик.

● **Ғазилдин ХАЙДАРОВ**, Тошкент Давлат педагогика университетининг амалий психологлар тайёрлаш факультети декани:

— Биз Нью-Йорк шаҳрида бир неча коллежларда, хусусан Нью-Йорк университети тасарруфидоги «Нью-палтс» коллежиди ҳамда дунёда ягона бўлган ошпазлик институтиди бўлиб, уларнинг ўқитиш усуллари ва иш тартиблари билан танишиб қайтидик. Европанинг бешта йирик мамлакатига бош ошпазлар тайёрлаб беришни институтда бизга ёққан томони шу бўлдики, у ерда ҳар бир миллатнинг ўз ресторани ташкил этилган экан.

Нью-Йоркдаги коллежлар биздаги олий ўқув юртлиги даражасида бўлганиги сабабли битирувчиларга олий маълумот берилади. Бизда эса коллежлар олий маълумот бермайди. Бироқ олий ўқув юртлигимиз билан ихтиссининг тузилиш структураси бир хиллигига амин

бўлди. Коллежларда тўртта деканат, яъни инженер ва бизнес, таълим, эркин фанлар ва фан ҳамда санъат бўйича деканатлар фаолият кўрсатади. Ўқитиш услуби ҳам Ўзбекистондагига нисбатан фарқ қилади. Болалар икки йиллик ва тўрт йиллик коллежларда таълим олишди. Икки йиллик коллежларда ўқишга имтиҳонларсиз қабул қилинади. Унда сертификат ва мутахассислик бўйича диплом берилади. Тўрт йиллик коллежларда эса 2 йил таълим билан бир қаторда эркин фанлар — психология, со-

ни қанча кўп ва тез ўзлаштиради коллежни тўрт йилда эмас, балки уч йилда ҳам тугаллаши мумкин. Коллежларда бир йилда касб бўйича магистр унвонини олиб ишлаб чиқаришга кетади, кейинги уч йилликда фан бўйича янгилик яратди, бу мутахассис магистратура хисобланади, сўнгги уч йилликда эса докторлик иштини химоя қилади. Ўқитиш жараёнида кучли компьютер воситаларида дарс ўттиш жуда кучли. Маъруза залларида ҳар бир талаба учун биттадан клавиш-туғмача ўрнатилган. Дарс жа-

Мустақиллик мезолари

«УСТОЗ» ЙЎЛПАНИМАСИ БИЛАН АМЕРИКАГА

циология сингари фанлардан сабоқ берилади, қолган учинчи ва тўртинчи йилларда икки йил ҳақиқий мутахассислик бўйича ўқитилар экан. Коллежлар бакалаврларни тайёрлайди. Коллежларнинг техника базаси бизнесга асосланган. Ҳар бир талаба йилига 9000 доллардан 22000 долларгача тўлайди. Икки йиллик коллежларда битирувчилар тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга йўлланади. Бизда ўқитувчиларнинг ҳафталик оқламаси 36-38 соатни ташкил этади. Уларда эса бор-йўғи 18-20 соат экан. Талабалар қолган вақтларда тажрибахоналарда мустақил ишлайди. Ўқитувчи эса факатгина назорат қилиб боради.

● **Нарзулла МУСЛИМОВ**, муҳандис-педагогика факультети декани:

— «Нью-палтс» коллежиди талабалар ихтиёрий ва мажбурий фанларни ўқийди. Агарда талаба олган кредитни, яъни дарс соатини, фан-

раёнида ўқитувчиға саволлар компьютер орқали берилади. Шунга қараб жавоб тайёрланади. Бу билан ортинча вақт ҳам сарфланмайди. Қолган талабаларнинг фикри ҳам бўлинайди. Ўқув моддий-техника базасининг жуда юқори эканлигини видеоанжуманлар ўтказилади, бунда бир вақтнинг ўзиди эркин фикр алмашинининг имкони туғилади. Интернетга уланган компьютерлар орқали бутун дунёдаги воқеа-ҳодисалардан ўқитувчи ва ўқувчилар хабардор бўлиб туришади. Шу билан биргаликда ўқитувчи-ўқувчиларнинг дунёқараши ривожланади. Ўтоқхона ва кутубхоналарда ҳам компьютер заллари мавжуд бўлиб, бутун адабиётлар дискетларга жойлаштирилган. Хаттоки сиртқи бўлим талабалари ҳам вазибалари коллежга келмасдан компьютер орқали бажарадилар. У ерда масофадан ўқийшнинг анча самарали тарафлари борлигига амин бўлди.

● **Саодат ТҲҲИЕВА**, психология кафедраси ўқитувчиси:

— Нью-Йорк коллежларида ўқитувчиларнинг илмий ишлари, уларнинг умумий фаолияти, жумладан илмий ишнинг сотиш орқали ўқув юртига келтирилган нафти ва «Талаба нигоҳи билан», деярли анкетасидида тўпланган баллар орқали назорат қилиб борилади. Хусусан «Талаба нигоҳи билан» анкетасидида талабалар ўқитувчилар хусусиди ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқитувчилар сифатли ва самарали дарс ўттишга ҳаракат қилишади. Янги келган ўқитувчилар олий ўқув юртида етти йил мобайнида уч марта шартномадан ўтади. Агарда уч марташад ҳам шартномадан муваффақиятли ўтса тенор унвонига сазовор бўлиб, бир умр ана шу ерда иш билан ташминланади. Агарда бирор марта шартномадан ўтмай қолса янги ши жойига борганда нима сабабдан шартнома тузилмаганлиги компьютерда кўрсатилар экан. Бундан ташқари ўқитувчилар тўғридан-тўғри ишга олинайди. Уларнинг аудитория билан ишлаш олиши ёки ишлаш оқламлиги, ўз мутахассислиги бўйича камида 5 йил ишлаб чиқаришда ишлаганиги хисобга олинади ва тест топширадилар. Фан ўқитувчилари эса кўпроқ олим даражасига етсанига ишга қабул қилинар экан.

Баъзи бир — ким, физика, математика, биология фанлари бўйича бизнинг уларга нисбатан устун эканлигини сезилиб турибди. Фақат бизда билимни етказиб беришни педагогик технология етишмайди. Агарда шунга эришилса бизнинг педагогик услубга ҳақиқатан ҳам жаҳон тан берилади. Нью-Йоркда ўқитишда хусусий услубиётни ўқитишга улар астойдил тан беришди. Уларда факатгина умумий педагогикагина бор. Педагогика санъат сифатида ўқитилади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА
ёзиб олди.

Яқинда биз ажойиб бир авлод сулоласининг дийдорлашув кечасиди иштирок этиш шарафига муяссар бўлидик. Оиланинг соҳиб-марҳум Отабек ота Эрнзаров ҳамда марҳума Бахриниса аялар салкам бир асрга яқин умр кўриб, оила қуриб 6 фарзандни тарбиялаб, вояга етказиб, ўйли-жойлик қилдилар.

Отабек ота асли ўрдалик бўлиб тадбиркор, яхтак тикувчи бўлганлар. Бундан бир неча йиллар муқаддам бу фоний дунёдан кўз юмганлар. Фарзандларининг барчаси меҳнаткаш, ақлли, зукко, оқилу доно бўлиб етишдилар. Ўғиллари Исроилбек, Асадбек, Мансурбек ва Зиёбеклар ҳам қазоси етиб бу дунёни тарк этдилар. Улардан 23 нафар зурриёдлар қолади. Қизлари Махмудухон ва кенжа ўғил Носирбек ҳаёт, кексалик гаштини суриб юрибдилар.

Яқинда Носирбек ота умр йўлдошлари Муфлиҳа ая билан бир пиёла чой устида суҳбатлаша туриб, шундай дейдилар.

— Бу йил юртбошимиз ташаббуслари билан Оила йили деб эълон қилинди. Юртимизда бу борада катта ишлар қилинмоқда. Ҳар бир оила ҳам бунга ўз хиссасини қўшмоқда. Биз ҳам Отабеклар оиласининг 5та сулоласини тўплаб, Оила йилини нишонласак, авлодлар дийдорлашувини уюштирсак бир савоб иш бўлармиди? Ота-оналаримиз,

1998 — Оила йили АЖДОДЛАР МЕҲРИ — СЎНМАС ҚУЁШДИР

миз, жигарларимиз руҳини шод этган бўлармиди?

— Жиянларингизнинг барчаларини бир кўнга тўплаб бўлармикан, — дедилар Муфлиҳа ая.

— Ахир, жиянларим бизни жуда ҳурмат қилишларини ўзинг яхши биласан. Қайси тақдиримизга йўқ дейишган? Биз бу ишни бошласак опам Махмуда, янгамиз Матлуба кенонийлар ҳам фикримизни қўлласалар керак.

Бу фикрни жиянлари Шавкатбек, Жўрабек, Азизбек, Ботирбек, қувв Бахтиёрлар эшитиб, жуда хурсанд бўлдилар.

Мирзо Улугбек тумани ФХДБ бўлимининг тантаналар хонасидида ўтказилган бу ажойиб тадбирга Отабеклар сулоласининг 156 та аъзоси, қариндош-уруғ, қанда-андалар, меҳмонлар иштирок этди.

Деворда марҳум бува-бувилар, ота-оналарнинг суратлари гуллар билан ўралган. Тўрадаги эъзоз қурсиларини оила улуғлари эгалладилар. Табарруқ, эъзозли, аҳил, иноқ ва оқибатли оила аъзоларининг ушбу оқшомидида ўтганларнинг ҳаёти ва фаолиятлари, уларнинг яхши фазилатлари ҳақида неваре-эвараларга Носирбек ота ифтихор билан сўзлаб бердилар. Оила аъзоларининг ҳар бири ҳақида илқ сўзлар айтдилар, касбу корлари билан таништирдилар.

Оила аъзоларининг аксарияти олий маълумотли иш-фокор, ўқитувчи, муҳандис, дорихунос, тадбиркор, хисобчи, ишчи ва хизматчилардир. Оилада 3 та фан номзооди, 6 та раҳбар лавозимларда хизмат қилаётган инсонлар бор. Фарзандлар, неваре ва эваралар ҳам ибратли оила қурганлар. Отабеклар оиласининг чинор дарахтида 40 дан ортқ бақувват шохлардан иборат ибратли, мустаҳкам оилалар муҳассамлашган.

Қариндош-уруғ, қанда-андалар, ёру биродарлар номидан сўзга чиққан «Фан» нашриётининг директори Наримон Хотамов, тиббиёт фанлари номзооди, шифокор-жароҳ Карим Қаюмов, шоир Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар оилага бўлган иззат-ҳурматларини баён қилдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Никҳос ва оила маросимлари марказининг директори Марҳамат Йўлдошев ва Отабеклар оиласини Оила йили ҳамда мазкур шодиёна билан табриклиди. Кеча яқинда оиланинг бутунги кундаги сардори Носирбек ота, Муфлиҳа ая ва Махмуда аяларга Оила йили муносабати билан Отабеклар оила аъзолари номидан саруоплар кийгизилди, қимматбаҳо совғалар, анвойи гуллар ҳадя этилди.


Кечада оила аъзоларидан Камолатхон ўзи ёзган қўшиғини ихро этиб, барчани хушунд этди, ака-ука, опа-сингил, келин-қувв, қавму қариндошлар биргаликда рақсга тушдилар.

Шоду хурамалик, ўйин-кулги узоқ давом этди. Бундай меҳр-оқибат, жигаргуша авлодларнинг дийдорлашув кечаларини ҳар йили ўтказишга қарор қилдилар. Бундай ибратли тадбир ҳар қандай олқишу ташхисга сазовордир. Чўки унда, барча инсон ўзлигини англайди, ота-боболари, авлодларини яхши билади, сулола зурриёдлари бир-бирларини яхши танийдилар. Ахир ҳалқимиз меҳр кўзда деб бежиз айтишмаган-ку. Аждодлар меҳри — сўнмас қуёшдир.

Шоир ёзганидек:

Кимсан ўзинг, ота-бобонг ким,
Ким бўлади ҳатто фарзандинг.
Ҳаммасини ахшилаб билгин,
Ким бўлади нуқсону пандинг..
Кимсангнинг унутма дўстим,
Унутсанглар хор-зор бўлади.
Сенда аждод руҳи шод бўлиб,
Қабри эса нурга тўлади.

Музаффар ЖАЪФАРОВ.



Акмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалласиди қад ростлаган гузар ўзининг замонавий ва шарқона услубда қурилганлиги билан барчани мафтун этмоқда.
Засим Соколов олган сурат.

Назм

ИНТИЛИШ БУЮКЛИК

Иймон давлатидир

интилиш асли, —

Буюклик, порлоқлик сари борар у.

Бегарддир интиланган ҳар

одам насли, —

Дунёдан ўчмайди, умридир мангу!

Нурафшонликларга интилиш уду.

Бир-биридан сузук тонларга боқиб.

Авон шафақларга тикилар ҳар зум.

Ушлаган армонлар қанотин қўиб.

Истикбол уфқиди ёнган нуқрада.

Гўдадек талпинар яхши ниятда.

Олисда порлаган олом нуқтада.

Ошиқар етишсам деган мақсадда.

Олга интилиш-ла борар юксалиб.

Турғунлик ёт унга, табиятига.

Чўққидан чўққиза тинмай

чирмайиб.

Мурод қасрин қураб саодатига.

Интилиш, юксалиш йўли турфа хил.

Олислардан порлоқ мақсалини бўйлар.

Бу йўлдан юрганлар жасур, ёниқ дил,

Ҳар маррада мурод

тўйларин тўйлар.

Ватанини бешага интилавлар,

Бойликка хуруждан тияр ўзини!

Оташин қалбидан дур терилаверар,

Ёруқлардан ёруғ айлар юзюни!

Ақл кўрин, манглай терин тўқади,

У-ла боқиб умр муҳрин босади.

Ғанимлар, манманлар

қаддин букади.

Худбиларнинг яшаш йўлини тўсади.

Ичлари қораю, зехни ҳам аласт,

Ҳаромак ўрганган фасиқу шайтон,

Ўй-ҳаёлалида бойлиқ шуҳрат.

«Ватанини севаман!» дегани ёлгон!

Шоддир кимки борса чарагон

йўлдан,

Ҳаётин, бахтин ҳам гарддан

сақлагай!

Эл бахтини кўзлаб интисла дилдан

Мазнан етилмаклик аҳдин оқлагай.

Раббим амри ила интиланган ҳар зот.

Ҳеч сўнмас юлдузга айланар, бешак.

Мазнан етилмаклик интилар авлод

Умри боқийликдан топади дарак.

Ватан ошқилари доим интилар.

— Келажак жамолни кўрай

деб тезроқ.

Изланар қуну тун, ҳормай изланар,

— Бегард, бедоғ дунё кўрай деб,

тезроқ.

Интилиш! Оташдек ётиб интилиш.

Бағшилар қамолот, мурод излаш!

Интилиш демек бу, бетин излаш,

Излашни улағайтар умр шопларин!

Маънан қиёмийлик — буюклик

ростдан,

Сўнмоқдан йироқ у абадул абад.

Фонийдан боқийга шайланар маънан,

Бу ҳол буюкликка азалий одад.

Нур шимиб етилган, билмайди

завол.

Ёруғдан ёруғ нур сочаверади.

Не-не чўққилардан ошар бемало.

Жилодор уфқлар очаверади.

Буюклик турфа хил

қатламларда жам.

У уммоний билим, фаросат, идрок.

Тенгсиз ҳақолигин кўрсатар ҳар дам,

Миллий чек, чегара, қабихдан

йироқ!

Кўчмасу қуламас хонтағирсимон

Узоқлашган сари кўринар балад

Буюкка таъзимда башару замон,

Унинг бўй-бастига даҳоси пайванд.

У ҳудуд, масофа, чегара билмас,

Жонию жаҳони ақлу-тафаккур.

Менингги, сенингги тилига оилас,

Буюклардан мерос сўнмас онг, шуур!

Буюклик башарий асога мезон,

Инсонийлик назар унинг тошидир.

Йўқса махлуқлардан фарқ

этимас инсон,

Миллий чеклаш эса жанжал

бошидир!

Шу боис буюклар ўмайди руҳан,

Отса ҳам, чопса ҳам,

ёндирсалар ҳам.

Йўқликка чўкмоғи муқаррар жисман,

Буюкдир нур эмиб етибди инсон.

Тикилсанг ёнади ундаги қароғ.

Қароғиди ёнган оташи симон.

Сўнмасдир зиёси чақноқдан чақноқ.

Ушанга таваллуқ буюклик унвон

Камгайлик, камтарлик,

вазминликлар хос.

Илоҳий ҳикмат бу, илоҳий қисмат.

У мансаб, бойлик-ла асо ўчанимас.

Буюклик аслида илоҳий неъмат!

Рўзи ҚОДИРИЙ.

Ажойиботлар

ҚИММТБАҲО УРИНДИҚ

Японияликлар Швейцарияда 100 метрлик кўча ўриндиғи бор эканлигини эшитган, бу рекордани янгиламоқчи бўлишди. 300 киши шаҳар боғиди 400 метрлик ўриндиқни тайёрлаш учун тер тўкиб ишладилар. Бунинг учун уларнинг бир ҳафталик вақтлари кетди. Шаҳар ҳокимияти бу рекорднинг ўриндиқни яратиш учун 6 миллион иен ажратди.

8 СОАТДА БИТГАН УЙ

Америкалик қурувчиларнинг ишлариға қойил қолмай иложингиз йўқ. Чўки Бойсе шаҳридаги пудратчи қурувчилар ассоциациясига бир оила учун мўлжалланган беш хоналик қиройли уйни қуриб битказиш учун 8 соату 54 дақиқа вақт керак бўлди, холос.

Қурилишда 400 дан ортқ бунёдор жонжаҳди билан ишлаган. Қурилишни бошлашдан олдин ҳар бир гуруҳ қурувчиларига бажарадиган соҳасига қараб алоҳида иш қийимни ажратилган. Бу қийимлар турриға қараб ким қандай иш бажараётгани аниқланган. Бу нарса вақтни иқтисод қилишда ёрдам берган. Уйнинг бунчалик тез битказилиши унинг сифатига асло таъсир этмаган. Буни уйни қабул қилиб олувчи комиссия аъзолари тўлиқ тасдиқлаган.

«АНТИҚА» ПРОФЕССОР

Америкалик Плестерор ғалати унвон соҳиб бўлди. Унга «Совун кўпиклари профессори» деган ном берилди. Чўки у 50 йилдан бери мамлакат бўйлаб гастролларга чиқиб, эстрада концертларида ва телевидение орқали ўзининг «антиқа» хунарини намойиш этиб келади. Хўш, унинг хунари қандай? У 20 та совун пуфгадан минора ясади. Махсус рецепт асосиди у узоқ вақт ёрилиб кетмайдиган совун пуфгагини ҳам пуфлаб кўрган. Улардан бири 340 кунгача ёрилмай сақланиб турган.

ЭНДИ ЕРДА ЯШАЙДИ

Нигериялик Майкл Блама исмли киши ерда, қишлоқдошлари орасиди яшашиға аҳд қилди. Илгари у қаерда яшарди, дейсизми? Шуниси қизиқки, Майкл давоси ҳали топилмаган асаб касалигига чалинди ва бир ўзи даракт устиди яшай бошлади. Унинг иродасининг зўрлигини қаранг: дегирли 5 йил даракт

ЖОАУГАРНИНГ ОРИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

Қорамтир шарпаларга айланиб, қўшни хонага ўтишди, чоғи, изларидан юрдим. Ўрта хона эшигини очсам, не кўз билан кўрайки, нигоҳи бежо, чўққисоқол бир кўк эчки уй тўрида худди одамлардек чўққалаганча, олд оёқлари билан китоб вараклаб ўтирарди. Негадир унинг думи юқорига диккайган эди. Эсхонам чиқиб, худди безгак тутатгандай баданимга титроқ югурди, совуқда қолган одамдай тишларим тақиллай бошлади. Шу пайт кўк эчки бешбаттар эсимни огдириб, менга маъноли тикиларкан, шумлик билан манжаланиб, сўз қотди:

— Кўркма, ошна, биз сенга хушхабар олиб келдик...

Тилим зўрға калимага келиб:
— К-канака... хушхабар? — деб сўрадим.
— Сени яқинда олиб кетишди.
— К... қаёққа? — сўрадим яна жон-поним чиқиб.
— Қаёққа бўларди, — бамайлихотир жавоб берди эчки китоб вараклашда давом этаркан. — Жаннатга-да. Сен яхши одамсан-ку, ахир!..

Уша пайтларда ҳар ҳолда соғлигим жойида, ҳали-вери дорилбакога жўнаш ниятим йўқ эди. Шу боис ҳам ўзимни пича қўлга олиб, кескин жавоб бердим:
— Мен ҳеч қаёққа бормайман!..

— Ҳамма шунақа дейди, — деди эчки энди энциотиб. — Лекин бормай иложинг қанча. Вақти-соати етган одамларни биз Ерда узоқ қолдиролмаймиз. Ҳаққимиз йўқ бунга.

— Ахир, мен ўлишни истайман, боз устига, фойний дунёда ишларим кўп ҳали!... — дедим мен қуюниб.

Кўк эчки негадир диккайган думини лиқиллатиб, пича ўйга толди-да, бирдан кўзларимга тик қаради.
— Агар бир шартимизни бажарсанг, маълум муддатга сени қолдиришимиз мумкин.

— Қандай шарт? — сўрадим мен ҳушёр тортиб. — Шайтон билан битим тузишим керак эмасми ишқилиб?

— Ҳозирча йўқ, — деди эчки қатъий оҳангда. — Билмак, зарурат тугилса, шундай қилишга ҳам тўғри келар. Лекин... шартимиз шуки, Айра хонимга ҳеч қачон қарши бормайсан, ҳар қандай шароитда уни қўллаб-қувватлайсан. Салгина унинг измидан чиқсанг ҳам, биз сени аяб ўтирмаймиз, пўстингни шиламиз!..

Мен азбаройи ҳайратга тушганимдан оғзим очилиб, яна ҳайкалдай қотиб қолдим.

— Бугина эмас, — дағдаға қилишда давом этди кўк эчки, — акс ҳолда пайсалга солиб ўтирмай, тўғри дўзахга олиб кетамиз.

Шу топда миям зумда ёришиб, мен бу масхара-бозиклару лўттибозикларнинг асл моҳиятини англаб етгандай бўлдим. Илк марта Айра хоним билан гаплашганимда ҳам у худди шундай дағдаға қилганди. Демак, хотиним фирқа котибасилигидаёқ шайтоннинг... Лекин аниқ хулосага келишдан аввал бир масалани ойдинлаштириб олишим керак эди. Яна ўзимни қўлга олиб, кўк эчкига юзландим:

— Нукул «биз, биз», дейсиз, сизлар кимсизлар ўзи?

— Бизнинг кимлигимизни нахотки ўзинг тушунмаган бўлсанг? Сени бунчалик калтафаҳм одам, деб ўйламовдим. Дарвоқе, олий ўқув юртини юқоридан кўнгириклар ҳисобига тугатган одамдан яна нимаям қутиш мумкин, — деди эчки манқа овозда ижирганиб.

— Англашимча, сизлар... нариги дунё вакиллари-сиз.

— Балли. Лекин билиб ол: биз оддий вакил эмасмиз. Хуллас, гап шундай, шартимиз сенга тушунарли деб ўйлайман. Ҳузуригга яқин кунлардаёқ махсус вакилларимиз яна ташриф буюришди. Бир ҳужжатга имзо чексанг, бас, жононанг билан мазза қилиб яшайверасан. Акс ҳолда... нима бўлиши ўзинга маълум.

Эчки шундай дея чап оёғи билан «тап» эткизиб, олдидаги китобни ёлди. Беихтиёр китоб муқовасига нигоҳим тушди: унга улкан шоҳдор... шайтон суварти битилган эди. Буни пайкаган эчки туйқусдан таралдуд ва саросимага тушиб, калласини лиқиллатганча, китобга бир пуфлаган эди, у зумда кўздан йўқолди. Эчки эса бир сакраб, ўзини деразадан ташқарига олди. Мен шоша-пиша дераза ёнига келиб, пастга қарадим: эчки сувга тушган кесакдек гойиб бўлган, боз устига, қўш табақали дераза ойнаси ҳам синмаган, бус-бутун эди.

Бизни шўролар даврида болалигимиздан, Худо йўқ, деб дахрийсифат қилиб тарбиялашган, шу боис на Инжил ва на Тавротни ўқган эдим. Раҳматли бувим Инжилнинг икки-уч оятинингизга, биз ўлганимизда ўқийсан, деб мажбуран ёдлаттирган эди. Ҳозир Худо кўнглимга солдим (сўнгги йилларда мен Худо борлигига имон келтиргандим), тиз чўққанимча, юқорига қараб, ана шу оятларни ўқишга киришдим. Уйимизда менга раҳматлик бувимдан эсдалик бўлиб қолган Инжил ҳам бор, лекин уни илк бор кўрган Айра фирқа котибалиги пайтидаёқ, негадир жон-пони чиқиб, сандиғимизнинг энг тағига тикиб юборганди.

Оятларни уч мартадан ўқиб бўлиб, «омин» қилгач, зудтар сандиқни очиб, Инжилни излашга тушдим. Девонанинг ишини Худо ўнглабди, деганларидай, муқаддас китоб сандиқдаги кийимлар уюмининг тағида экан, дарров топила қолди. Энди уни Айра топа олмайдиган, лекин ўзим учун қулай жойга яширишим керак эди. Ўйлаб-ўйлаб, уни охири китоб жа-вонимиздаги Лениннинг сайланма асарлари ортига қўйдим. Чунки хотиним ҳеч қачон китоб ўқимас, Ленин жилдлари эса, Айра фирқа котибалигида қандай келтирилган бўлса, шундайлигича жавонда терилиб турарди.

Ёзининг жазирама кўнлари ҳам ўтиб бормоқда. Мактаб ўқувчиларининг аксарияти эса айнан мана шу дамларда соя-салқин гўшаларда, оромгоҳларда хордиқ олмоқдалар. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг тарбиявий ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Намоз Рўзикулов билан бўлган суҳбатимиз болаларнинг қандай дам олаётганлиги, шахримизда фаолият кўрсатаётган оромгоҳларнинг бугунги кундаги аҳоли хусусида бўлди.

— Мактаблар қошидаги оромгоҳларда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан 5500 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган эди, — деди Намоз Рўзикулов. — Шу режага асосан биринчи босқич, яъни июнь ойида 35 та оромгоҳ очилиб, унга 3500 нафар бола жалб этилди. Оромгоҳлар иккинчи босқичда иш бошлаганига ҳали унча кўп бўлмади. Бу босқичда 20 та мактаб қошидаги дам олиш масканларида 2000 ўғил-қиз мириқиб хордиқ чиқармоқда. Фаолият кўрсатаётган оромгоҳларда махсус тарбиявий дастурлар тузилиб қатор оммавий тадбирлар, хусусан концертлар, турли кўрик-танловлар ҳамда истироҳат боллари, театр ва музейларга саёҳатлар уюштирилиши болалар дунёқарашининг ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари ҳар бир оромгоҳда туртадан тўғарак ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар

ўзлари қизиққан соҳаларига аъзо бўлишиб, бўш вақтларини унумли ўтказишяпти. Айниқса, оромгоҳлараро беллашувларнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг ҳам, уларнинг мураббийларини ҳам тинмай изланиш-

лиқда ўтказилиб борилади. Шунингдек, ҳар бир оромгоҳнинг ўз йўналиши бўлиб, уларда бир хиллик такрорланмайдиган. Яъни Акмал Икромов туманидаги 311-мактаб қошидаги оромгоҳ компьютер асос-

фаолият кўрсатишяпти. Мактабдан ташқари муассасалар, яъни қўшимча таълим мажмуалари, спорт мактаблари, техник ижодиёт марказлари, сув ҳавзалари ва ўсмирлар клублари негиздаги тўғаракларда ҳар ойда 50 мингдан ортиқ ўқувчилар ўз қизиқиш ва иқтидорларига қараб турли машғулотлар билан шуғулланаётганлиги ҳам албатта қувонарли ҳолдир. Ўсмирлар клублари, спорт майдончаларида маҳалла билан ҳамкорликда мактабнинг спорт майдончалари имкониятидан фойдаланиб турли оммавий спорт ўйинлари ташкил этилган. Оромгоҳларга жалб этилмаган болалар орасида «Отам, онам ва мен», «Биз қувноқ спортчилар», «Спорт ва мен» мавзуларидаги қизиқарли беллашувларнинг ўтказилиши таътил даврида ўғил-қизлар орасида турли кўнглисиз воқеа-ҳодисалар рўй беришининг олдини олмақда.

Ўлкамизнинг тарихий қадамжолари, сертароват табиат гўшалари, ишлаб чиқариш корхоналари бўйлаб йигирмадан ортиқ сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилган. Шу йўналишлар бўйича малакали раҳбарлар томонидан ҳар ойда ўн мингдан ортиқ ўқувчилар саёҳатга жалб этилиши, уларнинг дунёқарашига, тасаввурига янгиликдан-янги қирраларни очиб берапти.

Нафакат шахримиздаги, балки шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ҳам ҳамшаҳарларимизнинг фарзандлари мириқиб дам олишмоқда. Хусусан, Паркентдаги «Орзу», Бўстонлиқдаги «Кўнгил», Урта Чирчиқдаги «Меҳржон» оромгоҳларида болалар табиат инъомларидан баҳраманд бўлишиб, янги ўқув йилига янги куч йиғишмоқда.

Назира НАЗАРОВА.

Таътил — 98

ОРОМГОҲЛАР ҚҲЙНИДАГИ ОРОМЛАР



да бўлишларига сабаб бўлмоқда. Шундай кўрик-танловлар, жумладан, «Табиат ва биз» мавзусида Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси сингари ташкилотлар билан бирга

лари йўналишига ихтисослашган бўлса, Шайхонтоҳур тумани 186-мактабдаги оромгоҳ тасвирий санъат, Ҳамза туманидаги 244-мактаб қошида очилган оромгоҳ эса халқ амалии санъати йўналишларида

Мапҳампар

БҲЙМОДАРОН

Бўймодарон кўп йиллик, бўйи 20-80 сантиметрга етадиган ўсимлик. Пояси бир неча, тик ўсувчи, юқори қисми шоҳланган бўлиб, улар қалқонсимон гул тўплари билан тамомланади. Барги оддий, икки марта патсимон ажралган, пояда бандасиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари саватчага тўпланган. Саватчалар қалқонсимон тўпгулли ташкил этади. Меваси ясси, тухумсимон, қуланг. Ўзи-га хос хушбўй. Қир, боғлар, йўл ёқалари, тоғ ён-бағирларида ўсади.

Бўймодарон қадим замонлардан буюн ишлатиб келинган. XV асрда турли яраларни тўзатишда ва қон тўхтатувчи омил сифатида қўлланилган. XVIII ва XIX асрларда ўсимлик препаратлари дизентерияда ва турли қон оқишларини тўхтатишда ишлатилган. Кейинчалик унинг бу хосияти унутилади ва илмий тиббиётда фақат овқат ҳазм қилишни яхшилаш ва иштаҳа очиш учун қўлланади. Олимларнинг изланишлари натижасида ўша унутилган хосият айна пайда қайта тикланди ва илмий асосда исботлаб берилди.

Ўсимлик таркибида каротин, К ва С дармондорилари ахиллей алкалоиди, эфир мойи, холин, аспарагин, смола, фитонцидлар, хамазулен, ошловчи каби мураккаб моддалар бўлади. Шунинг учун бўлса керак у турли хасталикларда: ич кет-

ганда (айниқса қон аралаш ич кетганда), бош оғригини қолдиришда, пешоб ҳайдашда, ўпка силида, меъда-ичак касалликларида, қон оқишларида, бавосилда яхши наф келтиради. Шунингдек, унинг гулини майдалаб, асалга қориб ейилса гижжани туширади. Халқ табобатида ўсимликдан тайёрланган дамбама ва қайнатма тиш оғригини қолдиришда, эмизикли аёлнинг сутини кўпайтиришда ишлатилади.

Дамбала тайёрлаш учун идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйилади ва ўсимлигининг ер устки қисмидан бир ош қошиқ солиб, 1 соат мобайнида дамбамади. Сўнг доқада сузилади. Тайёр бўлган дамбамадан кунига 3 маҳал тоамдан олдин бир қошиқдан ичилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

ТАБАССУМ

— Ойжон, мени қаердан олгансиз? — деб сўрайди бир бола ойисидан.

— Осмондан осилиб тушганимда бола қилиб олганман.

Кунлардан бир кун бола уйда дам олиб ўтирса, уйининг шипидан қора ўргимчак осилиб тушаётган экан. Бола ўргимчакка қараб: «Ҳозир бир уриб ўлдирардим, афсуски боламсан-да», дебди.

Мадина: — Малика, юр ўйнаймиз!

Малика: — Адамларга қарашим керак.

Мадина: — Нима иш

қиласан?

Малика: — Улар дарсимни ёзиб берадилар, мен ёнларида ўтираман.

Кўзи оғриган беморни даволаб бўлган, врач унга дебди:

— Энди кўпроқ бўш жойларга қаранг.

— Раҳмат, бундан буюн чўнтагимга қарайман.

— Нега?

— Чунки у ҳамиша пулсиз, бўш бўлади-да!

Бахриддин ТУРҲУНОВ тайёрлади.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

«Toshkent shahar telefon tarmogi» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти юридик ва жисмоний шахслар, корхона, ташкилот, хусусий фирмалар, қўшма ва кичик корхоналар раҳбарлари этиборига ҳисоб-китобларни ўтказиш, алоқа хизматлари-га мавжуд шартномаларни қайтадан расмийлаштириш ва янги шартномалар тузиш учун ихтисослашган алоқа тижорат банки «Алоқа банк», МФО 00401 ихтиёридаги ўз филиаллари номлари ва ре-визитларини ҳавола этади.

1. Чилонзор филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000100496524010.

2. Собир Раҳимов филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000400496524013.

3. Миробод филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000800496524009.

4. Янгиобод филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000900496524005.

5. Мирзо Улугбек филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000200496524011.

6. Марказий филиали (собиқ Ҳамза телефон тармоғи) — «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000200496524006.

7. Маълумот ўтказиш цехи «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000300496524012.

8. Ахборот-ҳисоблаш маркази. «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000600496524008.

9. Станциялараро алоқалар филиали «TshTT» ОТАЖ. ж/р 20210000400496524007.

Аҳоли томонидан маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиб, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлови Тошкент шаҳридаги ҳар бир тушим кассаси ва филиаллар кассаларида амалга оширилади.

Тошкент ва корхоналар учун шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ қуйидаги ҳисоб рақами бўйича амалга оширилади. Ихтисослашган алоқа тижорат банки «Алоқа банк»нинг ҳисоб рақами: 20210000700496524003, МФО 00401.

Шаҳар телефон тармоғи абонентларидан мавжуд қарзларни тўлашлари ва келгусида алоқа хизматидан фойдалангани учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишларини сўраймиз.

«Toshkent shahar telefon tarmogi» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти 1998 йил 1 августдан бошлаб шаҳар телефон тармоғининг қарзлар абонентларга алоқа хизматлари кўрсатишни тўхтатиш ҳуқуқини ўзида қолдиради.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий ёълонлар ва хусусий бизнес бўйича ёълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўилар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ ёълонлари ва шунга ўхшаш ёълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Ёълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар қуни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.

● Барча қулайликларга эга бўлган, 12 хонали, 7 сотихли планли уй сотилади. Тел.: 35-40-31.

● Қибрай марказида, 6 хонали, 20 сотихли, барча қулайликларга эга бўлган планли уй сотилади. Тел.: 58-58-03, 42-06-50.

● «Москвич-2141» автомашинаси сотилади. Телефон: 54-30-48, уй: 132-09-40, иш.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги У. Усмонов номи 16-таъан мактаби томонидан 1998 йилда Джа-лолиддин Камалович Шамсудинов номига берилган таъан маълумот тўғрисидаги О'Р-Д 723508 рақамли шаҳодат нома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
ёълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва Ҳуна
кунлари тақди.
Навр кўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
булимларига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.